эътирозларини ёзма шаклда ёки факс бўйича тақдим этмаса, мазкур Хизмат тури бўйича счет-фактура у томонидан қабул қилинган ва Хизматлар тўғри кўрсатилган бўлиб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган тақдирда, Оператор келгуси ойда Хизмат кўрсатилишида ҳисобларга тегишли тузатишлар киритади.

5. Абонент Оммавий оферта қоидалари тўлиқ тасдиқлаши ва сўзсиз қабул қилишини билдирди. Оммавий офертада баён этилган Шартноманинг барча мавжуд шартлари (предмети, тарифлар ва хизматлар тури, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳисоблар шакл ва тартиби, масъулият ва бошқалар) Оммавий офертага мувофиқ белгиланади. Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосланадилар.

6. Мазкур Шартнома Абонент томонидан Оммавий оферта акцептини (имзолаган) амалга оширган вақтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга **қадар амал қилади.** (Мазкур Шартнома Абонент томонидан ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилади). Бунда агар Шартномада кўрсатилган амал қилиш муддати якунланса, шу муддат якунлангунга қадар Томонлар унинг шартларини бажаришда давом этадилар ва унинг бекор қилинишини бирорта ҳам Томон талаб қилмаса, юридик шахс бўлмаган, бюджетдан ташқари ҳамда якка тартибдаги тадбиркор Абонентлар Шартномани ҳар йил узайтирадилар.

6.1. Мазкур Шартнома Оператор расмий сайтида эълон қилинган Оммавий оферта шартлари Қоидалари ва Қўшимчалари агар шундайлар мавжуд бўлса, шартнома мавзусига нисбатан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартнома тузилади.

6.2. Мазкур Шартнома шартларида Оммавий оферта шартларига қарама-қарши шартлар юзага келса, Оммавий оферта шартлари ва қоидалари устун кучга эга деб ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг манзили ва банк маълумотлари(реквизитлари), уларнинг муассислари ҳужжатлари, жумладан, мулк эгаси, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқалар ўзгарган тақдирда ҳам, Шартнома ўз кучида қолади. Бунда Томонлар 10 (ўн) кун муддат мобайнида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

6.4. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар агар улар ёзма шаклда бажарилган ва ваколатли шахслар томонидан имзоланган, Томонлар муҳри билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий деб ҳисобланади.

6.5. Мазкур 2 (икки) нусхада тузилди, ҳар бир томон учун биттадан.

7. Томонларнинг манзили ва банк маълумотлари(реквизитлари):

| Оператор | Абонент |
|---|---|
| «Ўзбектелеком» АК Фаргона ф-ли<br>_Ёзёвон телекоммуникация _богламаси<br>АК Алоқа банк Тошкент бош офиси<br>Х/р: 20210000704074838356<br>МФО: 00401 ОКЭД: 61100<br>ИНН: 203366731<br>ҚҚС тўловчи рўйхат коди:<br>326030017813<br>Имзо: ______ З.Косимова | Ветеринария ва чорв. ривожлантириш бўлими.<br>Ак. Агробанк Ёзёвон филиали<br>х/р: 100022860302427013325007<br>МФО: 00541 ОКЭД: 75000<br>ИНН: 200169930.<br>Имзо: ______ С.Махмудов |

20__ й ____/____/

№___ шартномага

1-сонли илова

**Кўрсатилаётган хизматлар**
**Хизматлар номи ва уларнинг тарифлари**

*Ўлчов бирлиги Миллий валюта- –Сум*

| № | Хизматлар номи | Нархи (НДС билан) | Асос | Микдори | Сумма(НДС билан) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | **I. Хар ойлик туловлар** | | | | 10000 |
| 1.1 | Ойлик тулов | | Нархнома | | 6900 |
| 1.2 | Кушимча хизматлар | | Нархнома | | 3100 |

Кўрсатилган Иловага мувофиқ шартноманинг миқдори қуйидагича бўлади:
10.000 (ўн минг сўм) сўм,
Бундан ____________ (______________________)миқдордаги абонен тўловини ўз ичига олади. Шартноманинг миқдори ошган тақдирда ҳар ойда ошган қисми тулаб берилади

| Оператор | Абонент |
|---|---|
| Имзо: ______ З.Косимова<br>МЎ | Имзо: ______ С.Махмудов<br>МЎ |